




2-беп

3-беп

4-5-
беплар

6-беп



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 87 (10.140)

2004 ЙИЛ 6 МАЙ

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА

● БУГУН Шайхонтоҳур туманидаги «Гулзор» маҳалласи гузарига Хотира ва Қадрлаш кўни муносабати билан уруш ва меҳнат фажрийлари учун байрам дастурхони ёзилиб, совғалар туҳфа этилди.

● БУГУН Бектемир туман ҳокимлигида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 50 йиллигига бағишланган адабий кеча уюштирилди.

● ЭРТАГА Юнусобод туманида мактаб ўқувчилари ўртасида ташкил этилган «Умид ниҳоллари» мусобақаларининг сузиш бўйича республика босқичига старт берилди.

● БУГУН Тошкент кимё-технология институтига Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон-либерал демократик партияси Шайхонтоҳур туман Кенгаши вакиллари «Кўппартиявийлик — демократия пойдевори» мавзусида талабалар билан давра суҳбати ўтказилди.

● «МАЪНАВИЯТ» маърифат» марказининг Тошкент шаҳар бўлимида «Нотиқлик санъати» мавзусидаги кўрик-танловнинг шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

● АБУ Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетида мактаб ўқувчиларининг илмий-техник ижодиёти кўрик-танлови уюштирилди. Унда ўқувчилар кўли билан тайёрланган жиҳозлар намоиши этилди.

● ҲАМЗА туманидаги 77-умумтаълим мактабида «Балли, қизлар!» кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Юртни яшнатувчи курувчиларимиз замонавий иморатлари билан халқимизга беминнат хизмат қилиб келмоқдалар.

СУРАТДА: курувчи Эркин Курбонов ҳамда Раим Мирзааҳмедов янги уй пойдеворини режалаштирмоқдалар.



Ўз қийимизни ўзимиз асрайлик

ВАТАН АЗИЗ, ВАТАН МУҚАДДАС

Юртимизда содир бўлаётган ҳар-бир воқеа-ҳодиса ўйлайманки шу Ватан фарзанди бўлган ҳар бир инсонни бефарқ қолдирмайди.

Биз ҳам маҳалламиз фаоллари йиғилиб, кўни кеча бўлиб ўтган иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг XIV сессияси ва Олий Мажлиснинг Ўзбекистон фуқароларига Мурожаатномасини ўқиб ўз фикр-мулоҳазаларимизни айтиб ўртоқлашдик. Барчамизни тўлқинлантирган масалалар юзасидан суҳбатлашиб, тушунмаганларимизни билиб олдик. Айниқса бизга Президентимизнинг Олий Мажлиснинг XIV сессиясидаги: «Биз ҳаётга катта орзу-умидлар билан кириб келаётган ёшларимизга бир ҳақиқатни, яъни «Эй болам, сенинг Ватанинг битта — барчамизга азиз, бетакрор мана шу Ўзбекистон. Ота-боболарингнинг ҳоқи шу ерда ётибди. Шу муқаддас замин сени дунёга келтирган, сен уни обод этишинг, ҳимоя қилишинг шарт. Нафақат сенинг ўз ҳаётинг, балки сенга умид кўзини тикиб турган ота-онанг, опа-сингилларинг, ёш гўдаклар, нуруний қарияларимизнинг ҳаёти ҳам ана шу бурчингни нечоғлик адо этишингга боғлиқ» деган тушунчани уларнинг қалбига, онгу шуурига синдиришимиз даркор» деган сўзлари ҳаммамизни тўлқинлантириб юборди. Худ-

ди бу сўзлар бизга маҳалла оқсоқоллари, фаоллари, ота-оналарга айнан айтилгандек туюлди, ишимизни яна бир бор кўздан кечиришимизга туртки бўлди, десам муболага бўлмайди.

Ахир тўри-да, азалдан ота-онам, Ватаним, она юртим деб фидо бўлган, керак бўлса бу йўлда жонини тиккан халқнинг фарзандларимиз. Биз аввало оилада, боғчада, мактабда, қолаверса, маҳаллада ёшлар тарбиясига эътиборни қаратишимиз керак. Таълим-тарбияга болаларнинг жуда ёшлигидан киришимиз даркор. Ёшлиқдан уларнинг онгига киндик қони тўқилган муқаддас туپроқ, она юрт, ота-она, маҳалласи билан фархланиш, гурур туйғусини синдиришимиз лозим. Қачонки кишининг гурури, ори бўлса, ўзи учун азиз бўлган барча нарсаларни авайлайди, ардоқлайди, бировларнинг куткусига учиб оёқ ости қилмайди. Қон-қонимизда биродарлик, ҳамкору хамдўстлик, яхши қўшничилик, дўстлик каби эзгу ниязлар оқаётган экан, ўсим келаётган фарзандларимизни ҳам ана шу руҳда тарбиялайлик.

Биз бу кунларга осонликча етиб келганимиз йўқ, Муста-

қиллигимизни кўриш ҳаммага ҳам насиб этмади. Кўни кеча Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»-ги қарори, унда иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчиларига 18.000 сўм миқдорда бир йўла бериладиган пул мукофоти, уларга кўрсатиладиган ҳурмат, иззат-икром айниқса бизнинг кўнлимизни кўтариб юборди. Демакки алу юрт учун фидойи бўлган инсонлар меҳнати ҳеч қачон ерда қолмайди, унутилмайди...

Маҳалладошлар билан катта таассуротлар ила хонадонларимизга йўл олдик. Ишонанки улар фарзандлари, набиралари, ўғил-қизларига ўз уйимизни ўзимиз асрашимиз, биргаллашиб, огоҳлиги сезгирликни қўлдан бермаган ҳолда мустақилликни мустаҳкамлаш, она-юртимизнинг янада гуллаб-яшнашига ўз хиссамизни қўшишимиз лозимлиги ҳақидаги фикрларни етказди-лар.

Йўлдошхўжа
АБДУРАҲМОНОВ,
Чилонзор туманидаги
«Бўстон» маҳалласи
фуқаролар йиғини
раиси

ХУЎ сағоси

Барча маъбаладрал олган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтига «Сайлов кампанияси: ташвиқот ва реклама» мавзусида республика семинар-тренинги ҳамда «2004 йил сайловлари: ёритиш мезонлари ва ҳолислиги» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

● Хотира ва Қадрлаш кўни арафасида Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари марказий музейининг кўргазмалар залида меҳнат фажрийси, расом Ваҳоб Зиёевнинг «Ўзбекистон — Ватаним маним» мавзусидаги шахсий кўргазмаси очилди.

● Кеча Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган «Энг ёш билимдон истеъмолчи» республика кўриктанлови бўлиб ўтди.

● Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг ўрта махсус касб-хунари таълими бошқармаси ўзининг эркин маблағи ҳисобидан воҳадаги 5 та мактаб-интернатга 300 минг сўмлик муруват ёрдами кўрсатди.

● Поп туманида пахта ипи ва трикотаж мато ишлаб чиқаришга ихтисослашган, лойиҳа қиймати 10 миллион евролик «Исковуттек» янги қўшма корхонасининг дастлабки қувватлари ишга тушди.

Жаҳонда

● Сўнги маълумотларга кўра, Индонезияда бўлиб ўтган парламент сайловларида сайловчиларнинг 21,6 фоиз овозини олган Голкар партияси ғалаба қозонди. Мамлакат президенти Мегаватти Сукарнопутри партияси эса 18,5 фоиз овоз олишга муваффақ бўлди.

● Грузия ва Аджария ўртасидаги муносабатлар ҳамон кескинлигича қолмоқда. Жумладан, Грузия парламентининг мажлисида депутатлар Аджария етакчиси Аслан Абашидзе-нинг истеъфосини талаб қилдилар.

● Туркия полиция вакиллари НАТОга аъзо давлатлар бошлиқларига уюштирилган режалаштирилган суиқасднинг олдини олганликларини билдиришди. Бурса шаҳрида террорчилик ҳаракатларини уюштиришда айбланётган 16 киши қўлга олинди.

● Афинада полиция маҳкамасининг ёнида кетма-кет 3 та портлаш рўй берди. Натижада маҳкама биноси қаттиқ шикастланган, битта полициячи яраланган.

Тошкентда Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги бўлинмалари, МХНнинг давлат чегараларини ҳимоя қилиш департаменти ҳамда Солиқ қўмитасига махсус техника ва жиҳозларни топшириш маросими бўлиб ўтди.

ЧЕГАРА ХАВФСИЗЛИГИ УЧУН ТЕХНИКА

Умумий қиймати 516.6 минг долларга тенг мазкур жиҳозлар Ўзбекистон учун АКШ Давлат департаменти томонидан молиялаштирилган «Экспорт назорати ва чегаралар хавфсизлиги» (EXBS) ҳамда «Авиация воситалари ёрдамида чегаралардан ноқонуний ўтишга қарши кураш» (AIP) да-

стурлари доирасида тақдим этилди.

EXBS ва AIP дастурлари оммавий қирғин қуролларининг тарқалиши, уларни ташвиш ва улар билан боғлиқ технологиялар ҳамда бошқа қурол турлари тарқалишининг олдини олиш мақсадини кўзлайди. Жорий йилнинг охирига қадар ушбу дастурлар доирасида Ўзбекистонга тунги кузатув асбоблари, электр қуввати стабилизаторлари, металлдетекторлар ва бошқа жиҳозлар топширилади.

«Жаҳон» АА

Иқтисодий

МАҲАЛЛИЙ
ХОМ АШЁДАН

Юнусобод туманида иш юритаётган «Тадбир» масъулияти чекланган жамияти чеварларининг маҳорати улар тайёрлаётган сифатли маҳсулотларда намоён бўлмоқда.

Жорий йилда корхона тадбиркорлари ўз номларига яраша иш юртиб, маҳсулот турларини 60 хилдан оширишга муваффақ бўлиш ниятида ишлашмоқда. Маҳаллий хом ашё — «Навоийазот» акционерлик жамиятидан олиниб, корхонанинг замонавий тўкув ва тикув дастгоҳлари ёрдамида эркаклар, аёллар ва болалар учун ички ва устки кийим-кечаклар тайёрланмоқда.

— Утган йилда буюртмалар асосида 100 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқаришга муваффақ бўлдик, — дейди корхона раҳбари Акмал Акбаров. — Албатта, модельерларимиз ҳар бир маҳсулотни яратишдан аввал бугунги бозор, харидор талабини чуқур ўрганишмоқда. Бу, маҳсулотларимиз харидорлигида, буюртмаларимиз ортисида ўзига хос роль ўйнапти. Жорий йилда ҳам 30 турдаги янги маҳсулотимизни истеъмолчиларга тақдим этамиз. Энг асосийси эса уларнинг сифати ва урналишига алоҳида эътибор қаратамиз. Шунингдек, қизларга тикувчилик сирларини ҳам ўргатишга бел болаганмиз. Бу эса келгусида цехларимизни кенгайтириб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда пухта замин бўлиб, малакали кадрларга эга бўламиз.

ТИББИЁТ
УСКУНАЛАРИ
ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Замонавий ҳамда зарур тиббиёт ускуналарининг юртимизда маҳаллий хом ашё ҳисобига тайёрланиши шифо масканларининг талаблар даражасида жиҳозланишида, беморлар дардига малҳам бўлишда муҳим аҳамиятга эга.

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Супромед» масъулияти чекланган жамиятида ҳам ана шундай ускуналарнинг 20 хилдан зиёди ишлаб чиқарилмоқда. 1996 йилдан буён фаолият кўрсатаётган ушбу корхона малакали мутахассисларининг изланишлари боис тайёрланаётган тиббиёт ускуналари авваллари давлат тиббий муассасалари ва «Тибтехника» тизимидаги корхоналарга сотилса, бугунги кунда асосий харидорлар сафидан хусусий клиника ва тиббий муассасалар, косметология кабинетлари ҳам ўрин олган. Бунинг асосий боиси ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати ва рақобатбардорлигидир.

Корхонада айти пайтда ташхис, физиотерапия, жаррохлик, санитария-гигиена соҳаларида қўл келувчи ускуналар тайёрланмоқда. Муҳими эса уларни ишлаб чиқаришда маҳаллий хом ашёдан самарали фойдаланилмоқда. Корхона тадбиркорлари ўзлари яратган тиббиёт ускуналарини кўрик-танлов ва ярмаркаларда намойиш этиб муваффақият қозонишмоқда. Корхона раҳбари Собир Убайдуллаев «Ташаббус» кўрик-танловининг шаҳар босқичида «Энг яхши тадбиркор» номини ҳам қўлга киритган. Корхонада янги тиббиёт ускуналари яратиш йўлида изланишлар давом этмоқда.

Шарофат БАХРОМОВА

КАПИТАЛ
ҚУРИЛИШДА
ЛИЗИНГ

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 23 октябрдаги «Капитал қурилишида ижара ва лизинг хизматлари тизimini жорий этиш тўғрисида»ги қарори қурилиш соҳасида замонавий бозор инфратузилмасини яратишда муҳим омили бўлмоқда.

«Қурилиш лизинг» очiq турдаги акциядорлик жамияти ушбу қарор асосида ташкил этилган ихтисослашган лизинг муассасасидир. Айти пайтда компания ўз маблағлари, маҳаллий ва хорижий тижорат банкларининг кредитлари ҳисобидан қурилиш соҳасида кенг қўлланиладиган техника, эҳтиёт қисмлар, кичик механизация ва махсус транспорт воситаларини етказиб берапти.

— Ҳозиргача миқозлар билан 65 турдаги машина-техника ва салкам 200 хилдаги эҳтиёт қисм етказиб бериш юзасидан қарийб олти юз минг АҚШ долларига тенг шартномалар имзоланди, — деди мазкур компания бошқаруви раиси Шохруҳ Рустамов ўЗА мухбирига. — Йирик ҳажмдаги юк ташишга мўлжалланган турли русумдаги машина, экскаватор, бульдозер, трактор ва кўтарма кранларга талаб, айтиқса, катта.

ўЗА

Республика Мудофаа вазирлиги, МХХнинг чегара қўшинлари ва Давлат Божхона қўмитасига «Экспорт назорати ва чегара хавфсизлиги» (EXBS) ҳамда «Авиация воситалари ёрдамида чегараларни ноқонуний бузиб ўтиш» (AIR) дастури доирасида 516 минг АҚШ доллари қийматидаги асбоб-ускуналар ва махсус техникалар топширилди.

ҲАРБИЙ ҲАМКОРЛИК
ДАВОМ ЭТАДИ

— Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида ривожланиб бораётган ҳар томонлама ҳамкорлик жараёнида ҳарбий ҳамкорлик алоҳида ўрин тутди, — деди маросимда сўзга чиққан АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жон Пурнел.

Келтирилган техника ва асбоб-ускуналар асосан ҳаво кемалари экипажлари учун мўлжалланган ҳимоя шлем тизилмалари, глобал жойлашув ускуналари, генераторли дизель қурилмалари, автомобиль батареялари ва контрабандага қарши курашиш бўлимлари учун кўриш мосламаларидан иборатдир.

— EXBS ва AIR доирасида олиб келинаётган алоқа, кузатув ва аниқлаш ускуналари, тиббиёт ва ҳимоя техникалари, транспорт воситалари, дарё катерлари жиноятчи ва ноқонуний қуролланган жангарилар гуруҳларининг чегараларимизни кесиб ўтишларининг олдини олишда ҳарбийлаштирилган кучларимизнинг самарали ишлаши-

ни таъминлайди, — деди Ўзбекистон Мудофаа вазири ўринбосари Рустам Ниёзов. — Мамлакатларимиз ўртасидаги юқори даражали ҳамкорлик минтақамиз тинчлиги ва оёсийшталлигини таъминлашга хизмат қилади.

Тадбирда, шунингдек, МХХ Чегара қўшинлари қўмондони ўринбосари Рашид Ҳабиев, Давлат божхона қўмитаси раиси ўринбосари Ботир Холматовлар ҳам сўзга чиқишди.

2004 йил давомида EXBS ва AIR дастури доирасида 600 минг АҚШ доллари қийматида тунги кўриш, электр токини стабиллаштирувчи асбоблар ва металл детекторлар олиниши кутилмоқда. Бундан ташқари, 2005 йилда Ўзбекистон 6,5 миллион АҚШ доллари қийматида иккита вертолёт тренажёрлари ва 5,8 миллион АҚШ доллари қийматида эса иккита патруль катерлари олади.

А.АРСЛОНОВ,
«Туркистон-пресс»

Ҳамкорлик ришталари

АҲОЛИ ИСТАГИГА КЎРА —
ЯНГИ «МЕРСЕДЕС»ЛАР

КЕЧА пойтахтимизда кўпчиликка шинам ва қулайликлари билан манзур бўлаётган «Мерседес-Бенц» автобусларининг янги «Конекто 0-345 Евро-3» модели тақдимоти бўлиб ўтди.

Германиянинг дунёга машҳур «Даймлер Крайслер» компаниясининг «Мерседес-Бенц» автобуслари Тошкент шаҳри кўчалари бўйлаб қатнаётганига салкам ўн йил бўлди. Бугунги кунда деярли барча шаҳар автоҳўжаликлари ўз тасарруфларида бундай замонавий автобусларга эга. Бу дегани уларнинг хизматидан барча пойтахтликлар ва шаҳримиз меҳмонлари фойдаланиши учун имконият очилган. Умуман олганда эса кейинги йилларда мамлакатимизга 585 та «0-405» ва «0-345» русумли «Мерседес-Бенц» автобуслари келтирилган бўлса, шундан 300 таси 2003 йилнинг ўзига тўғри келади.

Таъкидлаш жоизки, утган вақт давомида германиялик шериклар билан бирга шунингдек, шаҳримиздаги учта — иккинчи, еттинчи ва сак-

кизинчи автожамламалар негизида «Мерседес» автобусларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича замонавий ташхис ва таъмирлаш асбоб-ускуналари билан жиҳозланган сервис марказларини ташкил этиш ва ишга туширишга эришилди.

Албатта, пойтахтимиз жамоат транспорти моддий-техник негизини тубдан янгилаш борасидаги бундай ютуқларга авваламбор республика ҳукуматининг бевосита қўллаб-қувватлаши эвазига эришилганини таъкидлаш жоиз. Айти пайтда Тошкент шаҳри жамоат транспорти тизimini такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича 2005 йилгача режалаштирилган махсус давлат концепциясига мувофиқ германиялик ва туркиялик ҳамкор-

лар билан янги лойиҳа устида амалий ишлар бошлаб юборилди. Унга асосан Ўзбекистонга яна 500 та янги моделдаги «Мерседес» автобуслари келтирилиши кўзда тутилган.

Ушбу автобуслардан биринчиси шаҳримиз кўчаларида тест синовларидан ўтиш учун яқинда пойтахтимизга келтирилди. Шу муносабат билан ўтказилган тақдимот маросимида сўзга чиққан «Мерседес-Бенц» Тюрк АШ» фирмаси бош менежери Роланд Сабаис Ўзбекистон, Германия ва Туркия ўртасидаги самарали ҳамкорлик ришталари ва бу борадаги истиқболли режалар устида тўхталиб, бугунги кунда мамлакатимиз Марказий Осиё минтақасида транспорт тизimini Европа стандартларига жавоб берадиган даражада мустақамлашга эришган биринчи ва ягона давлат экани ва яқин кунларда Ўзбекистон янги «Буюк Ипак йўли» лойиҳасининг ҳам асосини ташкил этишини алоҳида таъкидлади. Бизга маълум бўлишича, «Мерседес» автобусларининг, намойиши Қирғизистон ва Туркменистон давлатларида ҳам ўтказилган ва дастлабки натижаларга қараганда, яқин келажакда қўшни давлатлар аҳолиси учун илк бор ушбу жамоат транспорти қулайликларидан фойдаланиш имконияти очилиши мумкин.

«Мерседес-Бенц»нинг янги намунавий модели афзалликларига келсак, унинг «Евро-3» двигатели барча ривожланган давлатлар транспорт воситаларига мансуб бўлиб, экологик тозаликни таъминлайди, деярли товуссиз, радиатор қисми орқа томонда жойлашган ва энг муҳими — ўзбекистонлик йўловчилар таклифлари инobatга олиниб, ушбу автобус салонлари янада кенг ва ёрўғлиги билан ажралиб туради. Ушбу қулайликлардан эса ҳамшаҳарларимиз бир неча кундан кейин воқиф бўладилар.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

Саъдат

ЯНГИ ИЖОД
НАМУНАЛАРИ

Таникли мўйқалам устаси Баҳодир Жалолов деворий рангтасвир санъати устаси сифатида ҳам мухлисларга яхши таниш. Унинг бу каби нафосатга йўғрилган маҳобатли йирик полотнарини Марказий Осиё республикаларида кўллаб учратишимиз мумкин.

Расом «Рақсинг тугилиши», «Умар Хайём тушлари» ва «Умар Хайёмга бағишлов» деворий рангтасвир асарлари анъаналарини давом эттириб, навбатдаги янги ижод намуналарини устида ҳам самарали излади.

«Ўзбек театрининг ривожланиш тарихи» деб номланган йирик картинада ҳам мўйқалам устаси юксак маҳоратини намояндалар ҳам таъқирлашди. «Инсон тафаккурининг тантанаси» деган маҳобатли деворий санъат асари эса Тожикистондаги мактаблардан бериға гўзаллик нафосатини бахш этди.

ГЎЗАЛ ТАБИАТ
МАФТУНКОР-
ЛАРИ

Табиат гўзаллиги ижодкорларга илҳом манбаи бўлиб келаётганини расомлар ҳам чуқур ҳис этадилар. Шу боисдан бу йилги баҳор таровати ҳам қатор янги расмларда бадиий ифодасини топди.

«Баҳор жилваси», «Зумрад орзу», «Гули Наврӯз» деб номланган картиналар шулар жумласидандир. Таникли мўйқалам соҳибларидан Алишер Мирзоев, Жавлон Умарбековларнинг янги ижод намуналари ҳам юзага келди.

Ўзбекистон Бадиий академияси «Баҳорий Сўқок», «Оқ кабутарлар», «Бозор йўли» сингари тасвирий санъат асарлари асосида катта кўргазма ташкил этди. Бу экспозициядан Зайниддин Фахрутдиновнинг «Арғимчоқ», «Баҳор жилваси», Нодир Ориповнинг «Меҳр», «Бахт тумори» асарлари ҳам ўрин олди.

КЎЧМА
КЎРГАЗМА

Истеъдодли ёш мусавир Беҳзод Маҳмудов гўзал табиат тасвирлари акс этган картиналари билан томошабинлар эътиборини ўзига тортмоқда. Бўстонлик туманининг Хумсон кишлоғи манзаралари ҳам унинг расмларида нафис сайқал топди.

«Чорвоқнинг баҳори, ёзи, кузи» деб номланган картинасида расомнинг салоҳияти яна бир бор намояндалар бўлди. Бундан ташқари «Биринчи қор», «Аср руҳи», «Тоғлар фалсафаси» каби янги полотнар юзага келди.

Ўзбекистон Бадиий академиясининг расомлар ижодий бирлашмаси аъзоси Б.Маҳмудов ана шу ижод намуналари асосида кўчма кўргазма очишга киришди.

Ақбар АЛИЕВ

«Бахт-икбол... ҳуқуқига эгаман» татловиға

БИРИНЧИ ЛАВҲА

Телефон жиринглаб қолди. Гушакни кўтарсам, ундан яқин бир танишининг овози эшитилди. Саломлашдик.

— Бобо, қалай бардамсиз? — сўради у. — Агар хоҳиш бўлса эртага сизни бир жойга таклиф қилмоқчи эдим.

— Қаерга экан?
— Биласиз, ҳар байрам арафасида Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига дастурхон ёзиш одатим бор. Шунга биз билан бирга бўлсангиз, хурсанд бўлардик.

Боришга ваъда бердим.

Меҳрибонлик уйи бекалари ва тарбияланувчилари бизни шодиёна кайфиятда кутиб олишди. Қисқа суҳбат асносида дастурхон атрофидан жой олдик. Чор-атрофда ўтирган норасидаларнинг кўзи бизда. Билди турибман, шу топда улар ҳар қандай нозу-неъматлардан кўра биз томонимиздан айтиладиган илиқ, ўксик дилларга малҳам бўладиган ширин сўзларга муштоқ бўлиб ўтиришибди.

Тил учидан турган истакларни айтдик.

Кейин кичкинтойлардан бирови она ҳақида, яна бошқаси ота ҳақида шеър ўқиди, кўшиқ айтди. Хуллас, маросимнинг энг катта қисмини ота-она мавзуси эгаллади. Мурғак қалб, шишадек беғубор кичкинтойларнинг жавдирган нигоҳига тикила туриб беихтиёр кўзингга ёш келади. Бу мўлтираган кўзлар фақат ўзига қадрдон инсонлар — ота-онани излайди.

«Онажоним», дея куйиб-пишиб шеър айтган қизалоқ диққатимизни ўзига тортди. Унинг яқинига бордик.

— Исмнинг нима?
— Зулхумор.

— Қизалоғим, ойинг сени кўргани келиб турадим?
— Ойим йўқлар, адажоним бор. Лекин келмайди.

— Анча бўлдим, адажонингни кўрганингга?
— Бир йил.

Унинг кўзларида ёш милтиради. Бошини силадик. Қизалоқ ўзини тутиб туролмай бўйнимиздан кучди.

— Қани энди менинг ҳам сиздек меҳрибон бобожоним бўлса...

Шу куни биз билан суҳбатда бўлган Диловар, Улуғбек, Дурбекларнинг ҳам ҳасратидан «чанг» чиқди. Улар ҳам яқинларини соғинганларини айтиб бўзлашди.

Бизга ҳавас билан тикилиб турган жажжиларга термуламаю ўзимга ўзим савол бераман. Бу меҳрга зор, интизор гўдакларнинг гуноҳи не? Нега улар ўзгалар сингари ота-она бағрида яйраб-яшнашдан маҳрум?

Меҳрибонлик уйида ўтган шу кунимиз бироз қувончли, бироз ташвишли кечди.

ИККИНЧИ ЛАВҲА

Ҳаёт тасодифларга тўла. Одамлар ўрғасиди меҳр-оқибат, аҳду-вафо, севги-садоқат тўғрисидаги гапларни эшитсанг, кўнглинг тоғдек кўтарилиб кетади.

Эрталаб автобусда кетаётган уч-тўрт ёшли қизчаси билан бораётган ёнимдаги ҳамроҳим билан ҳамсуҳбат бўлиб қолдим.

— Боғчага кетаясизларми, деймана?

— Йўқ, — дейди у хомуш тортиб. — Қизалоғимни оймниқига олиб кетаяман. Сафарга чиқадиган бўлиб қолдим. Қайтганимча ойм уч-тўрт кун қараб турмасалар, қизим уйда яққаланиб қоладиган бўлди.

— Қизанинг ояиси қайда?

— Бунисини сўраманг отахон. Айтсам тилим, айтмасам дилим куяди.

Қизқисиниб қолдим.

— Нега бундай дейсиз бўтам. Дил тубига чўккан лард оғир бўлади. Биров билан ҳасратлашсангиз кўнглингиз бироз бўлсада ёришади. Назаримда аёлингиз

қолди. Аёлим вафот этибди. Бошимизга тушган у қора кунларни сиз сўраманг, мен айтмай отахон. Мана оралдан бир йил ўтди. Қизим ўзим билан бирга. Уни аёлим айтганидек кўнглини ўкситмай катта қиялман. Ойижоним бир неча бор «Болам, қизинг биз билан турир, яқка ўзинг уни эрталаб боғчага олиб бориб, кечкурун ишдан шошилиб қайтиб, боғчадан олиб келиб қийналиб қолсан», дея бир неча бор ўзлари билан олиб кетмоқчи бўлдилар. Лекин қизалоғим менга ўрғаниб қолган экан шекилли онам билан туришга унамади. Шундан бери ота-бола биргамиз.

Бутун тўсатдан хизмат сафарига жўнайди диган бўлиб қолдим. Қизимни онамининг олдида қолдириб кетмоқчиман.

Хамроҳим кейинги бекатда хайрлашиб автобусдан тушиб қолди. Бутун борлигимни хаёл қоплади. Ўша болажон адажонисининг бўйнидан кўчиб, унинг кўзларига жавдираб қараб турган қизалоқ узоқ вақт кўз олдимдан нари кетмади.

УЧИНЧИ

ЛАВҲА

Яқинда бир иш юзасидан Юнусободдаги милиция

сизларни ташлаб кетган кўринади.

— Шунисиға ҳам рози эдик. Лекин у бевақт оламдан ўтган.

Мен ўйламай сўйлаганимга пушаймон бўлдим. Йигит эса қизалоғини қучганича узоқ вақт жимиб қолди.

— Биз у билан беш йил турмуш қурдик. Ўртамизда бола бўлмади, — дея сўз бошлади у оҳиста. — Мана шу қизчани гўдаклигидаёқ ўзимизга бола қилиб олди. Аёлим уни авайлаб-асраб катта қилди. Болаим ёшчилигида нимжон бўлгани учун тез-тез касал бўлиб турарди.

Шундай кезларда онажониси унинг тепасидан жилмасди, мижжа қоқмай тонт оттирарди. Қалбимиз кўри, кўзимиз нури бўлган қизалоғимиз уч ёшга етганда унинг туғилган кунини нишонладик.

Уйга анча-мунча меҳмонлар йиғилди. Аёлим уларни айланиб-ўргулиб кутиб олиб, кузатди. Шу кеча у бетобланиб ётиб қолди. Тез ёрдам чақирдик. Ши-фокорлар зудлик билан уни касалхонага ётқизишимиз лозимлигини айтишди.

Шундай қилдик. Эртасига эрталаб уни касалхонага ётқиздик. Зудлик билан консилиум ўтказилди. Аниқланишича, у кўрчак билан оғриган, лекин оралдан анча муддат ўтганилиги сабабли кўричаги ёрилиб кетган экан.

Уни операция хонасига олиб кетишди. Жарроҳлар уч соат ўлим билан олишишди. Ниҳоят уни олиб чиқишди. Бечора уч кеча-кундуз оғир ётди. Тўртинчи куни эрта тонг билан хабар олгани борсам у кўзини очиб ётибди. Хурсанд бўлиб кетдим. У менга нималардир гапирди, илтимос қилди. Бирини эшитдим, бирини хаёл билан англай олмадим. Охирида: «Адажониси, мендан рози бўлинг, қизимизни ҳеч кимга бермай ўзингиз катта қилинг. Унинг кўз ёши тўқилмасин», деган сўзларни айтганда галати бўлиб титраб кетдим. «Нега ундай деясан онаси. Мана, анча яхши бўлиб қолдинг, энди қизимизни ўзимиз биргаликда катта қиламиз», дея тасалли берган бўлдим. Шундан кейин у: «Энди сиз хавотир олмай ишингизга бораверинг, кеч қолиб кетясиз» дея мени кўярда-қўймай кузатган бўлди.

Ишхонамга эндигина борган эдим. Бирдан касалхонадан кўнгироқ бўлиб

таянч хоналаридан бирида бўлганимизда онанинг болага бўлган туганмас меҳрини яна бир бор дилдан ҳис этдик.

Эллик ёшлар чамасидаги бир аёл оқ чойшабга илҳос билан ўралган қизалоғини авайлаб кўтарганича ийманиб хонага кириб келди.

— Хизмат?

— Кеңирасиз, бир илтимос билан келган эдим...

Аёл қўлидаги гўдакка тикилганича бироз жим қолди. Кўзларида билинар, билнимас ёш кўринди.

— Мана шу бола... — чайналди у. Кейин чақалоғини қўлидан биров олиб қўядигандек бағрига каттик босдида, тез гапира кетди. — Мана шу болани ўзимга ўғил қилиб олмоқчиман. Кечаси бизнинг йўлакка кимдир ташлаб кетибди. Йўрғак орасидан мана бу хат чиқди.

Ўқидик. Унда рус тилида қўйидаги жумлалар ёзилган эди. «Менга бола керак эмас. Ким олса олсин. Ҳеч қандай даъвойим йўқ».

Боласини ташлаб кетган она ҳақида ҳукм чиқариш газетхонлар эътиборига ҳавола. Биз эса инсоний фазилатларини ўзида мужассамлантирган иккинчи она ва унинг бегона гўдакка бўлган меҳри ҳақида гапирмоқчимиз.

Бирдан хаёлимизга аёлнинг фарзанди йўқ бўлса керак, деган фикр келди. Афсуски, бу ўйимиз сароб бўлиб чиқди. Аёлнинг уч фарзанди — икки ўғил ва бир қизи бор экан. Милиция сардори ўрнидан туриб, синчковлик билан чақалоққа тикилди.

— Рус шекилли.

— Барибир эмасми, — деди аёл болани маҳкам бағрига босиб. Русми, ўзбекми, ким бўлса ҳам умриг узун бўлсин.

Сардор болажон аёлга лозим бўлган барча йўл-йўриқларни кўрсатди. Аёл миннатдорчилик билдириб хонадан чиқаркан «Барибир болани ҳеч кимга бермайман», деб қўйди қатъий қилиб.

Сўзимизни қўйидаги тўртлик билан якунлашган лозим топдик.

Бола қалб кўкида гўёки муҳдир,

Бу сўзга ҳаётнинг ўзи гувоҳдир.

Боланинг кўнглига боқмасанг бўлмас, Чунки, бола кўнгли оламда шоҳдир.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ

ЯХШИЛАР КЎП
ДУНЁДА

Қандай болажон аёлларимиз бор. Ёш гўдакни кўрса бас, айланиб, ўргулашди, иссиқ бағрига босишади. Баъзан уларнинг ўзга болаларга қилаётган меҳрибончиликларини кўриб, ўзгани ўзиникидан ажратолмай қоласиз. Меҳр ва муруват йили деб аталган бу йилмизда эса болажонларга, айниқса, етим-есирларга, ота-она меҳридан жудо бўлган ўксик қалбларга меҳр-оқибат яна бир қадар ошгандек кўринади. Бугун учун мамлакатимизда ўнлаб замонавий жиҳозланган Меҳрибонлик уйлари хизмат кўрсатмоқда. У ерда кичкинтойларга минглаб меҳрибон тарбиячи мураббийлар гамхўрлик қилишяпти. Опажонлари ардоғида болалар ўзларини ёлғиз ҳис қилмай, эмин-эркин ўсиб, камол топишяпти. Юртимизнинг саҳий кишилари эса кўлларида келганча уларга меҳр-муруват намуналарини кўрсатишмоқда. Бу сўзларга қўйидаги уч лавҳа ҳам тўла жавоб бўлади, деб ўйлаймиз.

Марказлар фаолиятидан

ИШ ТАЖРИБАЛАРИ ЎРГАНИЛДИ

Педагог-тарбиячиларнинг масъулиятини янада ошириш, уларнинг иш йўналишини ўрганиб чиқиш ва мувофиқлаштириш, зарур амалий ва услубий ёрдам кўрсатиб бориш, жиноят ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш борасидаги илғор иш тажриба ва услублари кенг ёйиш мақсадида шахар миқёсида мониторинг ўтказилди. Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида фуқароларнинг фаоллигини, ўз вазифасига бўлган талабчанлигини оширишни кўзлаб, ноанъанавий усулда ўтказилган мониторинг самарали натижалар берди.

«Биз кимлар билан ишлашимизни, ҳар бир туманининг ўзига хос муаммолари ёки ютуқлари нималардан иборат эканлиги ва уларга қандай ёрдам бериш мумкинлиги ёки қайси педагог-тарбиячиларнинг қилган ишларини кенг равишда тарғиб қилиб, меҳнатлари эвазига рағбатлантириш керак экан-

лигини билишимиз, ўрганишимиз, ўргатишимиз даркор эди, — дейди бу тўғрида шахар «Маҳалла ёшлари тарбиячиси» маркази раиси Гулнора Абдувоҳидова. — Улар орасида профессор-доцентлар, спорт усталари, малакали ва тажрибали педагоглар мавжуд. Уларнинг нафақат педагогик маҳорати, балки, тарбияси оғир болалар билан мунозаралар олиб борадиган қобилият ва маҳоратларини ўрганиш лозим эди.

Ноанъанавий мониторингнинг ўзига хос жиҳатларидан бири шунда бўлдики, ўн битта туман маркази раислари, барча маҳалла педагог-тарбиячиларининг ҳар бири билан яқка тартибда 5-10 дақиқа давомидаги савол-жавоб тарихида суҳбат ўтказилди.

Биринчи бўлиб мониторинг Шайхонтоҳур туманида ўтказилди. Ҳамма



Жорий йилнинг «Меҳр ва мурувват» йили деб эълон қилинганлиги наинки мутасадди ташкилотлар, балки ушбу замин фарзанди бўлган ҳар бир инсон зиммасига янада кўпроқ масъулият юкляди.

2004 — Меҳр ва мурувват йили

СОВҒА-САЛОМЛАР БИЛАН ЙЎҚЛАНДИ

Жумладан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шахар бўлими Кенгаши томонидан ҳам бу борада қатор ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, куни кеча шахар мактаб Сардорлари Кенгаши аъзоларининг Собир Раҳимов туманида жойлашган Республика уруш ва меҳнат фаришлари пенсионатига совға-саломлар билан борганликлари ҳам ана шундай ишлардан биридир. Ташрифдан кўзланган асосий

мақсад эса у ердаги меҳрға муҳтож инсонларнинг ҳолидан ҳабар олиш ҳамда уларнинг кўнгилни кўтариш эди. Тадбир давомида шахар Сардорлар Кенгаши аъзолари ўз кўллари билан, айнан улар учун тайёрлаган табрикномалар, гуллар, турли хил ширинликлар ва совғаларни топширдилар. Бундан эса қарияларимиз жуда мамнун бўлишди ва меҳрибончилик учун ўз миннатдорчиликларини изҳор этишди.

— Хуллас, тадбир кўнгилли жуда яхши ўтди ва биз сардорлар ҳам бундан хурсанд бўлдик. Бундан кейин ҳам мана шундай хайрли ишларни ҳамма жойда амалга оширишга ҳаракат қиламиз, — дейди шахар «Камалак» болалар ташкилоти матбуот маркази раиси Рустам Шоймқулов. — Чунки бу биз сардорларнинг асосий вазифаларимиздан биридир. (Ўз мухбиримиз)

Ташкилотлар

КАМАЛАК ЖИЛОСИ

Айни кунларда шахримизда «Меҳр ва мурувват йили» дастури ижросини таъминлаш ва ҳар томонлама жисмонан, ақдан етуқ, маънан камол толган шахсни тарбиялаш, истеъдодли болаларни кўлаб-қувватлаш ва уларни рағбатлантириш мақсадида хайрия тадбирлари давом этмоқда.

Жумладан, ҳар йили мунтазам равишда ўтказиладиган тадбирлардан бири — Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида анъанавий тарзда бўлиб ўтадиган «Камалак жилоси» расмлар кўрик-танлови кўргазмаси фикримизга мисолдир. Ушбу танлов «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ва Ўзбекистон Бадиий академиясининг Бадиий кўргазмалар дирекцияси билан ҳамкорликда ўтказилди. «Камалак жилоси» кўрик-танлови 1997 йилдан буён ўтказилиб, болаларнинг санъатга, маданиятга бўлган қизиқишларини янада оширишга, иқтидорли ёшларни аниқлашга, уларнинг тасвирий санъатга ва бадиий ижодга бўлган қизиқишлари ва эътиборларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Кўрик-танлов кўргазмасига республикамиздаги Меҳрибонлик уйларининг

иқтидорли тарбияланувчилари томонидан чизилган энг сара ишлари тақдим этилиб, хайъат аъзолари томонидан муносиб баҳоланди. Кўргазма давомида Тошкент шахрининг 21, 22, 23, 24, 30, 31-сонли Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида алоҳида, энг зўр чизилган расмлар танлови ҳам ташкил этилди. Танлов якунида хайъат аъзолари томонидан аниқланган республика «Камалак жилоси» кўрик-танлови ғолиблари «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси томонидан диплом ва қимматбаҳо эсдалик совғалар билан тақдирландилар. Тадбирда шахримиздаги болалар ижодий гуруҳлари ва кичик яккахон хонандалар ўзларининг қувноқ куй-қўшиқлари билан иштирок этдилар.

Дилором ИКРОМОВА

учун ҳаяжонли, қизиқарли ва масъулиятли дамлар.

— Олдинга ҳаммамиз жуда ҳаяжонланиб кетдик, бу текшириш эмас, тажриба алмашиш эканлигини билганимиздан кейин ўзимизни тутиб олдик. Биз шу кунни кўп нарса ўргандик, ҳаммамиз бир-биримизнинг ишимиз, юритган ҳужжатларимиз билан танишиб чиқдик. Энди ишни нимадан бошлаб, нима қилиш керак эканлигини ҳам кўриб олдик. Кўпчиликнинг қилган ҳаракатини ва уни қадрига етатишларини кўриб орқанда қолгинг келмас экан, — дейди Шайхонтоҳур туман маҳалла педагог-тарбиячиси Шаҳноза Умархўжаева.

Мониторинг натижасида маълум бўлдики, камчиликлардан бири бу иш режасининг мукамал даражада ишлаб чиқилмаганидир. Шундан келиб чиққан ҳолда «Камолот» ЁИХ Тошкент шахар бўлими Кенгаши томонидан 500 нусхада «Меҳр ва мурувват — 2004 йил» иш режаси методик қўлланма сифатида ишлаб чиқилди ва ҳар бир маҳалла педагог-тарбиячисига тарқатилди. Ишлаб чиқилган режа Низом асосида бўлиб, ҳар бир маҳалла педагоги шундан келиб чиққан ҳолда ўз режасини тайёрлади. Иш режасида 54 та вояга етмаганлар масаласига оид тадбирлар

берилган бўлиб, улар маҳаллалараро тақсимланади, шунда ҳар бир маҳалла тарбиячиси бир йилда ўзи танлаган мавзуси ва жадвал бўйича битта тадбир ўтказиши, қолганлари ихтиёрли ва чекланмаган ҳолда. Шу йўл билан тумандаги ҳамма маҳалла болалари четда қолмасдан, маҳалла, туман ва шахар босқичидаги тадбирларда иштирок этиш имконини қўлга киритадилар. Ўз қобилиятини намойиш қилиш, бошқа маҳалла болалари билан дўстлашиш имкони ҳам туғилади.

Педагог-тарбиячининг ўз вазифаларини бажаришда илғор иш тажрибаларини жорий этганлари учун уларни рағбатлантириш ҳам «Камолот» ЁИХ Тошкент шахар бўлими Кенгаши томонидан белгилаб олинди.

Шерзод ШУКУРОВ, Тошкент Давлат юридик коллежи талабаси. СУРАТЛАРДА: педагог-тарбиячилар иш фалиятидан лавҳалар.



КАМОЛОТ

САРДОРЛАР ТАШАББУСИ

Куни кеча Юнусобод туманидаги 442-қар ва қоқов болалар бочаси тарбияланувчилари ҳайвонот боғига сەйҳат қилишди.

Ушбу ташаббусни уюштирган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Юнусобод туман бўлими Кенгаши сардорлари «Меҳр— болаликдан бошланади» деган шiori остида иш олиб боришмоқда. Юнусобод туман Кенгаши авваллари ҳам шундай хайрли ишларни амалга оширган, лекин ушбу йилда уларнинг салмоғи янада ошмоқда. Шунингдек, Кенгаши раиси М.Асомов ва «Камалак» болалар ташкилоти раиси Б.Гулямоллар туман сардорлари билан доимо ҳамнафас бўлиб

фаолият кўрсатиб келишмоқда. Эътиборлиси шундаки, сардорлар ташаббуси доимо қўллаб-қувватланиб, ҳаётий тажрибалар билан ўртоқлашиб келинмоқда.

Зеро, Меҳр ва мурувват йилида ўтказилаётган кўпгина тадбирларда ва хайрли ишларда ёшлар ҳам ўз ўрнига эгадир.

Сардор МАҲКАМОВ шахар мактаб Сардорлари Кенгаши раиси.

Маълумки, «Бунёдкор» ёшлар телеклуби ташкил қилингандан буён кўпгина ўқувчиларга ўз саховатини аямай келмоқда. Мана шундай тадбирлардан бири, куни кеча телеклуб аъзолари ташаббуси билан 22-меҳрибонлик уйида бўлиб ўтди.

БОЛАЛАРГА МЕҲР УЛАШАЙЛИК

Тадбир «Спорт ва болаларга меҳр» шiori остида бўлиб, у ерда спортнинг кўпгина турлари бўйича мусобақалар ташкил қилинди. Тарбияланувчилар икки жамоага бўлиниб волейбол, футбол ва теннис бўйича беллашдилар. Телеклуб аъзолари меҳрға ташна болаларни четдан кузатиб турар эканлар, уларнинг кўзларидаги қувонч, барча нарсани унутган ҳолда ўйинларга берилиб кетишини, чин дилдан севишияётганини кўриб хурсанд бўлиб кетишди.

Ҳар бир мусобақадан кейин ғолибларга совғалар улашилди. Тарбияланувчиларга эсдалик расмлар альбоми ва ҳар хил спорт жиҳозлари топширилди. Бундан ташқари жамоадаги энг ёши кичкина ўйинчиға «Пахтакор» жамоаси майкаси топширилди. «Бунёдкор» ёшлар телеклуби билан ўз

фаолиятини олиб бораётган хусусий тадбиркор Икром Тошматов ҳам бир-бириндан бежизм юмроқ ўйинчоқлар тақдим этиди.

Мусобақалардан сўнг Ўзбекистон Давлат консерваториясидан ташриф буюрган ёш хонандалар ўзларининг шўх қўшиқлари билан даврга янада кўтаринки кайфият ва фойз кўшишди. Телеклуб қошидаги «Аср ёшлари» гуруҳи аъзолари эса қизиқарли сахна кўринишларини намойиш этишди.

Ушбу тадбир бир маротабалик бўлиб қолмай, телеклуб аъзолари шахримиздаги барча меҳрибонлик уйларида «Спорт ва болаларга меҳр» шiori остида тадбирлар ўтказишни режалаштирганлар.

Юлдузхон ИБРАГИМОВА, «Бунёдкор» ёшлар телеклуби ижодий ходими.

Тадбирлар

ПОЙТАХТ — ЁШЛАР НИГОҲИДА

Яқинда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Сергели туман бўлими Кенгаши ва унинг ҳимийлигидаги «Камалак» болалар ташкилоти, туман Сардорлар Кенгаши аъзолари ва мактаб фаоллари иштирокида тумандаги «Aysel» фирмасига қарашли бўлган деворларга «Тошкент — ёшлар нигоҳида» мавзуси остида деворга расм чизиш тадбири ўтказилди. Унда тумандаги умумтаълим мактабларидан 110 дан ортиқ истеъдодли ва фаол ўқувчилар иштирок этди.

Ўқувчилар белгиланган жойларда пойтахтимизнинг манзарали жойлари ва гўшаларини ўз расмларида акс эттирдилар.

Ақция охирида эса фаол иштирок этган ўқувчилар туман Сардорлари Кенгаши томонидан Фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Тадбир барчага манзур бўлди.

Лазиза ҚОБИЛОВА, 105-мактабнинг 11-«Б» синф ўқувчиси. (Ўз мухбиримиз)

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шахар бўлими Кенгаши, унинг ҳимийлигидаги «Камалак» болалар ташкилоти, «Камалак» марказининг барча сардорлари ва фаоллари томонидан хайрли ишга қўл урилди.

Ҳашар — ҳаммага ярашар

ОЗОДАЛИККА УЛУШ ҚЎШИШДИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шахар бўлими Кенгаши биносининг ёнидаги чиқиндилар йиғилиб қолган кичкина ховлида катта ҳашар тадбири уюштирилди. Ушбу ҳашарни уюштиришдан мақсад ёшларни наинки турар жойларида, балки иш ва ўқиш жойларида ҳам озодалик, покизалик, ободонлаштириш юмушларига ўргатишдан иборат эди.

Шу кунни 100 га яқин сардорлар ва фаоллар бир-бирлари билан бирлашган

ҳолда бир неча соат давомида ховлини чиройли ва манзарали жойга айлантириб, ўзлари ясаган шакллар, байроқлар ва шарлар билан безатиб ҳам қўйишди. Ушбу кичкина ҳашар сардорлар ва фаолларни яна бир бор меҳнатсеварлик, ишчанлик ва ўз ишларига масъулият билан ёндошишга ўргатди.

Рустам ШОЙМҚУЛОВ, шахар «Камалак» болалар ташкилоти қошидаги матбуот маркази раҳбари.

Болалар спорти

ОМАД СЕНГА, «ИНТЕР-2000»

Куни кеча Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғи стадионида футбол бўйича Тошкент шахар биринчилиги клублараро футбол мусобақаларида шарт берибди. Унда «Республика Олимпия захиралари» клуби, «Пахтакор», «Тош-Куч», «Спартак», «БЎСМ-2», «Чилонзор», «МЎСХ», «Красницкий номидаги БЎСМ-24», «Чкалов номидаги Тошкент авиация шиаби чиқариш бирлашмаси» ДХЖ клублари ҳамда Ҳамза туманидаги футболга ихтисослашган «Интер-2000» мактаб-интернат жамоалари беллашдилар.

Турнир олдида мактаб-интернатда байрам дастурхони ёзилиб унга мактаб ўқувчилари, мураббийлар, ўқитувчилар, «Баҳор» маҳалласида истиқомат қилувчи маҳалла фаоллари 24» жамоаси билан майдонга тушиди ва 3:0 натижа билан мактаб-интернат вақиллари галабага эришишди.

Мусобақа 13 турдан иборат бўлиб, унда 6 хил

Спортчиларимиз бир неча йилдан буён ҳар хил турнирларда иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб келишмоқда. Ҳозирги кунда интернатдан етишиб чиққан ёшлар Республика-мизнинг турли вилоятларида, Қозоғистон Республикаси ҳамда Россия Федерациясининг олий ва биринчи лига жамоаларида тўп суришмоқда.

Эслатиб ўтамиз, бу маскан 1999 йилдан бошлаб футбол-интернат номи билан янги бинода ўз фаолиятини бошлаган. Бу ерда ҳозирда 230 нафар бўлажак спортчиларимиз таҳсил олишади.


Биз «Интер-2000» жамоасига кейинги турларда ҳам зафар кучишларини тилаб қоламиз.

Асқарали МАДАЛИЕВ

Мумтоз наволар, умрбоқий миллий куй-қўшиқлар асрлар мобайнида халқимизнинг маънавияти ва маърифатининг юксалишида катта аҳамият касб этиб келмоқда. Олтин мерос дурдоналаридан ёшларни баҳраманд этиш ва улар қалбига ўлмас қадриятларни жойлаш эса энг эзгу ишдир. Бугунги кунда ёшларнинг сеvimли масканига айланган «Бунёдкор» ёшлар телеклубида бу борада салмоқли ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан куни кеча «Адабиёт, санъат ва маданиятимиз фахри» туркумида ўтказилган кечача тарихчи олим ва ҳофиз, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, тарих фанлари доктори, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети профессори Ҳожиакбар Ҳамидов билан бўлиб ўтган учрашув барча йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

СУРАТЛАРДА: «Бунёдкор» ёшлар телеклубида бўлиб ўтган учрашувдан лавҳалар.



Шарқ дурдоналари

**Оз-оз ўрганиб
домо бўлур...**

● Бир ҳинд донишманди айтади:
— Дўстлик аломати мана шундай бўлади: дўстининг дўстига, душманига душман бўлсин, душманингни дўст тутган киши сени дўст тутмайди.
● Араб фозилларидан Асмаий айтади:
— Мен бир куни дўстимни кўрган бордим. Дўстим бир киши сизга параси солиб ўтирган экан. Мени ҳам парасида ўтиришга таклиф қилди. Мен:

— Параси ўзингга торлик қилиб турибди, яна мени парасида ўтиришга таклиф қиласан? — деган эдим, у айтди:

— Икки душман бутун ер юзига сифмайди, ammo икки дўст бир қарич ерга ҳам сифа олади.

● Исҳоқ Мусилий деган фозил кўнлардан бир куни пулга муҳтож бўлиб, дўстидан пул қарз олиш учун унинг уйига борди. Дўсти уйда йўқ эди. Уйда фақат дўстининг канизаги қолганди. Исҳоқ Мусилий канизани чақириб:

— Менга бир оз пул керак бўлиб қолди, хожанингни ҳамини олиб кел, — деди. Канизак хожанингни ҳамини келтириб берди. Исҳоқ Мусилий дўстининг ҳаменидан ўн сўмини олиб, чиқиб кетди.

Бироздан кейин Исҳоқнинг дўсти уйга келган, канизак хожасига:

— Сизнинг дўстингиз келиб бироз пул сўради, ҳаменингни олиб чиқиб беришимни ўтгиди. Мен у кишининг самими дўстингиз бўлганини билардим. Шунинг учун ҳаменингни чиқариб бердим. У ўн сўм пул олиб, чиқиб кетди. Ҳаменингни сиздан берухасат олиб чиқиб берганим учун айбиман. Айбимни кечирасиз, деб умид этаман, — деб узр айтди.

Хожаси севиниб:
— Раҳмат сенга, менинг уйда йўқлигимни билдирмабсан, самимий дўстининг хожати раво бўлиди, шу қилган ишинг учун сени овоз қилдим, — деб канизакдан кўп миннатдор бўлди. Мана шундай бўлади ҳақиқий дўстлар!

Байт:
**Кори мардонларни
хўб андеша қил,
То тириксан яхши
ишни пеша қил.**

● Ўз манфаатларини кўзлаб дўстлик изҳор қилувчилардан йироқ бўлиш лозим.

● Қалбаки дўстлар — айб излагувчи жосуслардир. Уларнинг қалбларини текшириб қарасанг, душманликдан бошқа нарса топа олмайсан.

● Бир мўтабар одамдан:
— Айтингчи, сизнинг қанча дўстингиз бор? — деб сўрадилар. У айтди:

— Ҳозир бахт-икболим камолга эришган. Молу давлатимнинг ошган замонидир. Дўстларим ҳам жуда кўп, қанча дўстим борлигини ҳозирча айтолмайман. Ким билади, мабодо бахт-икбол мендан юз ўғириб, муҳтожликка қолсам, у чоғда қанча дўстим борлигини сизларга айтиб бераман, ўша вақтда қолган самимий дўстларини сизларга номманом айтиб беришим мумкин бўлади.

9 Май — Хотира ва Қадрлаш куни

Маълумки, 1999 йилда иккинчи жаҳон урушидан қайтмаган ватандошларимиз хотирасини абадилаштириш мақсадида давлатимиз раҳбари Ислон Каримов ташаббуси билан Хотира майдони барпо этилиб, бу ерда Мотамсаро она хайкали ва жанг майдонларида ҳалок бўлган 430374

ганлиги тўғрисидаги маълумотномаларни шахсан олиб келишарди. Ушбу муқаддас бўлиб қолган оилавий қадриятлар орасида жигарбанди ҳақида ягона хотира ҳисобланган «қора хат»лар ҳам сақланиб қолганининг гувоҳи бўлиш мумкин эди.

Махсус комиссия Хотира майдонининг

қошидаги топонимия комиссиясига топширилди. Орадан ўтган бир неча ойлар давомида топонимия комиссияси номига шу мазмундаги хатлар, телеграммалар бепутов келаверди ва уларнинг ҳар бири рўйхатланиб, муаллифларига «қутинг» деган жавоб қайтариларди. Лекин бу борадаги саъй-ҳаракатлар зое кетмади.

Икки йил ўтгач ўзининг жигарлари хотираси абадий бўлиши истағиди қайғурган кўпчилик юртдошларимизнинг умидлари рўёбга чиқадиغان бўлди. Тўпланган қўшимча маълумотларнинг бари умумлаштирилиб, республика «Нуроний» жағғармаси тасдиқдан ўтгандан сўнг Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан яна 137 нафар ҳамюртларимиз номи «Хотира китоби»га киритилиши устида амалий ишлар бошлаб юборилди. Айтиб ўтиш жоизки, муқаддас «Хотира китоби»нинг ватандошларимиз номлари битилган янги саҳифалари «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат ҳиссасдорлик жамаиётида тез орада тайёрланиб, 2001 йилнинг Хотира ва Қадрлаш куни олдида Хотира майдонида ўз ўрнини эгаллади.

Бугунги ёрқин кўнларимиз, порлоқ келажакимиз учун иккинчи жаҳон урушида қаҳрамонларча ҳалок бўлган 430511 нафар юртдошларимизнинг номларини эслаш ва ёдда тутиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз эканлигини асло унутмайлик.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

**ЗАРҲАЛ САҲИФАЛАРНИ
ВАРАҚЛАБ**

430511... Бу шунчаки рақамлар эмас. Улар ортида миллионлаб инсонлар ҳаёти турибди.

Тўрт юз ўттиз минг беш юз ўн бир — бу иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ўзбекистонликларнинг номи ва жасорати, уларнинг барҳаётлигидир. Бугунги тинч-осойишта ҳаётимиз учун ҳалок бўлган қаҳрамонларимиз ҳар бирини номма-ном ёдда тутиш, хотирлаш бизнинг бурчимиз, зеро шоир айтганидек, «бу қурбонларга эмас, ҳаёт бўлганларга керак»...

қурилиши яқунлиб боргунга қадар ўз ишини мунтазам олиб борди. Барча тўпланган маълумотлар ўрганилиб чиқилганидан сўнг, иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган, лекин «Хотира» китобида қайд қилинмаган юртдошларимиз номи ҳам Хотира майдонидаги улкан «Хотира китоби»га киритилган.

Шу билан комиссия ўз фаолиятини тугатди ҳам, ammo унинг аввалги манзилига янги-янги хатлар келиши давом этаверди. Бироз вақт улар жавобсиз қолган бўлсада, бирок фақат муружаат қилаётганларнинг манфаатини кўзлаб эмас, балки ҳалок бўлганларнинг хотираси олдидаги инсоний бурчга амал қилган ҳолда бу хайрли ишлар қайтадан тикланди ва уларни амалга ошириш ваколати шаҳар ҳокимлиги

қурилиши яқунлиб боргунга қадар ўз ишини мунтазам олиб борди. Барча тўпланган маълумотлар ўрганилиб чиқилганидан сўнг, иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган, лекин «Хотира» китобида қайд қилинмаган юртдошларимиз номи ҳам Хотира майдонидаги улкан «Хотира китоби»га киритилган.

Шу билан комиссия ўз фаолиятини тугатди ҳам, ammo унинг аввалги манзилига янги-янги хатлар келиши давом этаверди. Бироз вақт улар жавобсиз қолган бўлсада, бирок фақат муружаат қилаётганларнинг манфаатини кўзлаб эмас, балки ҳалок бўлганларнинг хотираси олдидаги инсоний бурчга амал қилган ҳолда бу хайрли ишлар қайтадан тикланди ва уларни амалга ошириш ваколати шаҳар ҳокимлиги

Хотира қайғонса қўзғалдиқ

Аслида мен отам Абдурахим Абдуллаевни эслолмасам-да, у кишининг ҳамкасблари, ёр-биродарлари билан суҳбатлашганимда отам ростгўй, самимий, дўстларга нисбатан меҳр-оқибатли эканликларини эшитиб шундай инсоннинг фарзанди эканимдан фахрланиб юраман.



**ОТАМДЕК
БЎЛСАМ ДЕЙМАН**

Отам журналистика соҳасида хизмат қилиб, унинг ҳалол ва «ширин» нони билан оила тебратган эканлар. Журналистика факультетининг кечки бўлимида ўқиб юрган кезлари «Ўзбекистон физкультураси» (ҳозирги «Спорт») газетасида фаолият бошлаганлар. Кейинчалик «Тошкент ҳақиқати» газетасида масъул котиб сифатида фаолият кўрсатганлар. У кишини ҳақиқий журналистика оламига олиб кирган ва ишдан ингасигача ўргатган «Тошкент ҳақиқати» газетасининг ўша пайтдаги бош муҳаррири Аҳмад Исмоилов бўлган экан. Отам ҳар доим у кишидан миннатдор эканликларини таъкидлар эканлар.

Армия сафларида хизматни ўтаганларидан кейин ёшлар ташкилотиди, кейинчалик ҳозирги «Туркистон» газетасида бош муҳаррир уринбосари вазифасида ишлаганлар. Шу орада матбуот саҳифаларида «Маннопларнинг ёнғоғи», «Олапар» каби бир қатор хикоя ва қиссалари нашр қилинган. Ўша пайтларда катта обрў-эътиборга эга ҳозирги «Тонг юдузи» газетасида бош муҳаррир лавозимида ҳам ишлаганлар.

Онамнинг айтишларига қараганда, отам билан москвалик журналистларнинг учрашуви бўлиши керак экан. Уларни кутиб олиш учун шинамроқ жой излаб юрган эканлар. Шу орада божалари билан Сирдарёга дам олгани чиқиб кетаётиб:

— Агар борган жойимиз менга манзур бўлса, мехмонларни ўша ерда кутиб оламан, — деб онамга айтган эканлар. Афсус 1986 йил айнаи ёз кезлари оиламиз учун энг фожеали кун бўлди. Худди шу табиат сайрида отам сувга фарқ бўлиб, бу дунёдан ўтган эканлар.

Хар сафар ана шу даҳшатли воқеани эшитганимда, қалбимда титроқ ва ўқинч пайдо бўлса, бир тарафдан отам ҳақидаги қариндош-уруғлар, ёру биродарларидан эшитган хотира ва хикоялар дилимга таскин бағишлайди. Ота меҳрини кўрмадик десам, албатта, нотўғри бўлади. Амакиларим бизларни бағриларига олиб, ўз фарзандларидек тарбия бердилар. Ҳатто ўз фарзандларидан ҳам бизларни кўпроқ яхши кўрдилар. Биз ҳам отамиздек инсон бўлишимиз учун ғамхўрлик қилишимиз. Биз ота меҳрини кўрмадик-да, лекин у қандай бўлишини ҳис қилиш яшадик. Чунки онажонимиз бизга жуда меҳрибонлар. Улар болаларимнинг юрагида доимо ўз отаси абадий яшасин, дея турмуш қилмадилар. Бу муқаддас хотиралар доим қалбимда яшайди ва мен ҳам отамдек чинакам инсон бўлишга аҳд қилганман. Шу мақсадда ўқиб, изланганман. Улар эришган хурмат ва эътибор чўққисини забт этиш учун бор имкониятларимни ишга соламан.

Даврон АБДУЛЛАЕВ

**СИЗНИ СОҒИНАМАН,
ОНАЖОН**

Дунёда таърифига сўз ожиз инсон бор. Бу меҳрибон, мунис, чехрасидан ҳаминша фарзандига меҳр ёғилиб турувчи азиз онажонлар. Унинг ўрнини, сўзларини кўзларини, хокисорлигини ҳеч ким боса олмайди. У айтган аллаларни, фарзандига ҳада этган унутилмас палларини ҳеч ким ўзидай бажара олмайди. Балки шунинг учун ҳам она муқаддас зотдир.

Азиз онажоним, шу кунларда мен сизни тез-тез соғинадиган, илик сўзларингизни кўмсайдиган бўлиб қолдим. Сиз ҳақингиздаги хотиралар бир-бир кўз ўнгимда намоен бўляпти. Балки шу хотираларни қозғога туширсам кўнглим бироз таскин топар, соғинчларим ором олар... Хар сафар сизни соғинсам 5 май меҳрибон ҳолаларим ҳузурига ошиқаман. Чунки уларнинг бирида сизнинг юзингиз, бирида кўзингиз, яна бирида ширин сўзингиз, бирида саховатингиз мужассам. Озгина таскин олгандай бўламану, яна сизни кўмсаб қоламан. Холаларим, сизнинг яқин дугоналарингиз бир неча марта ортимдан «Қаранглар-а, худди Муҳиданинг ўзи-я», дейдиган бўлишди. Ана шу дамларда ойнага қараб ўзимдан сизни кичирдим. Йўқ, барибир сиз бошқача эдингиз онажон.

Албатта, меҳнатсеварликни сиздан ўргандим. Сиз 30 йил Тошкент ўйинчоқ фабрикасида ҳалол меҳнат қилдингиз. Эҳ, сиз яратган ўйинчоқлар, невараларингизга ҳада этган қувончларингиз... Ҳозир ҳам ҳамкасбларингиз ҳалол, муруватли, меҳрибонлигингизни эслашадим. «Муҳида ҳечам бировнинг орқасидан гапирмасди, айбини юзига айтарди», дейди бир ҳамкасбингиз сизни хотирлаб.

Онажоним! Сиз ҳаминша менга оила бекаси қандай бўлишини ўқитириш билан бирга, «Аёл тадбиркор бўлиши керак, ҳам ишлаши, ҳам оилани эплаши

лозим» дердингиз. Шунинг учун ҳам институтни тугатиб, ишга кирганимда, оилали бўлиб фарзандларим турилганида ҳаминша ёрдамга шай эдингиз. Сиз аёллар доимо қимматбахо тақинчок ва кийим-кечаклар хусусида гапирганда «Менинг бойлигим шу 3 та болам, уларнинг камоли» дердингиз. Шу боис ҳам мен, акам ва укам сизни асло уялтирмадик, рози қилишга ҳаракат қилмадик.

Вафот этганингизга 11 йил бўлибдики, ҳар йили 16 ноябрь — отам билан турубму қурган кўнларингиз, 26 декабрь — туғилган кунингизда бутун оила йиғиламиз. Ҳаммамиз сизни эслашадим, набираларингизга эса насихатларингизни такрорлаймиз. Қани энди, шу гапларни уларга ўзингиз айтсангиз, тўрда савлат тўкиб ўтирсангиз, дея ўйлаб кўзларимдан ёшлар оқаверади, оқаверади. Лекин ҳаёт бешафқат, унинг синовлари кўп. Чидамасдан иложимиз ҳам йўқ, онажон.

Энг асосийси эса барча сизни яхшилик билан эслайди, фазилатларингизни санайди. Мен бундан қувонаман, фахрланиб кетаман. Ҳа, онажон, мен сизга жуда-жуда ўхшагим келади. Негаки, ҳамма бир кун келиб бу ҳаётни тарк этиши мумкин. Ана шунда менинг орқамдан ҳам сизники каби яхшилик ва эзулик қолсин, онажоним...

Муршида АСАДУЛЛАЕВА,
тадбиркор, «Муҳиба» хусусий фирмаси раҳбари.

Барча мамлакатларда ихтироларгагина эмас, балки баъзи бир техник ечимлар тўғрисидаги маълумотларга (ахборотга) ҳам ҳуқуқий муҳофаза берилади. Бу ахборот "ноу-хау" номини олган бўлиб, у инглизча "to know how to do it" ("қандай қилишни билмоқ") иборасининг қисқартмасидир. "Ноу-хау" жумласига киритиладиган, адабиётларда кўпинча "билим ва тажриба" деб тавсифланган маълумотлар нафақат техник, балки ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши ва унинг иқтисодийта, тижоратчилик фаолиятига, молиялаштириш ва бошқа шу сингариларга тааллуқли ташкилий ва тижорат ахборотларидан иборат бўлиши мумкин. Аммо "ноу-хау"ларнинг асосий кўпчилигини ишлаб чиқаришда қўлланиладиган фойдали техник ва технологияга оид маълумотлар ташкил этади. Уларни рўёбга чиқариш доирасига машиналар, ускуналар, материаллар ва бошқаларни ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш, қурилиш усулларини қўллаш кабилар кирилади. "Ноу-хау" деб тасниф қилинадиган кўпгина техник ечимлар ихтиро белгиларига жавоб беради ва патентга лаёқатли ҳисобланади, лекин ишлаб чиқувчилар сир сақлаш мақсадида уларни патентлаштирмайдилар. Негаки, патентлаштириш муқаррар равишда ишланманинг моҳиятини "очиб қўяди" ва шу аснода техник масалани ҳал этишдаги янги йўналиш аён бўлиб қолиб, бундан рақобатчилар фойдаланишлари мумкин. Аммо "ноу-хау"ларнинг талай қисми патентга лаёқатсиз ечимлардан иборат бўлади, лекин бу уларнинг ҳўжалик юртишидаги аҳамиятини асло камайтирмайди. "Ноу-хау" сифатида эътироф этиладиган ахборот, қоида тариқасида, махфий тусда бўлади, ишлаб чиқувчининг ишлаб чиқариш сир сифатида муҳофаза қилинадиган сирни ўз ичига олади. Унинг учинчи шахсларга номаълум ахборот сифатида тижоратдаги қиммат у ўзинга эгаллик қилувчига ишлаб чиқаришда ва бозорда берадиган техникавий иқтисодий афзалликлардан иборат бўлади. Шунингдек, номаълум доиралаги шахслар фойдалана ола-

диган, умуман олганда, маълум бўлган техник ёки ўзга ахборотлар ҳам "ноу-хау" жумласига киритилади. Унинг тижоратдаги қиммати аввало шундаки, у ишлаб чиқувчи томонидан қабул қилувчи тараф бевосита фойдаланиши учун тайёр техник ёки технологияга оид ҳужжатлар шаклига келтирилган бўлади. Шартномавий амалиётда "ноу-хау"ни муҳофаза қилиш, қоида тариқасида, лицензия битими асосида амалга оширилади ва келишув

техник ечимлар давлат рўйхатига олинмаган объект эмас ва бирон-бир махсус муҳофаза ҳужжати, чунончи патент асосидаги ҳимоядан фойдаланмайди. "Ноу-хау"нинг патентланмаган ахборот сифатидаги хусусияти, хусусан унинг муҳофаза объекти сифатидаги мазмунининг ўзини белгилашни қийинлаштирилади. Шу боис ахборотни бериш шартномаси матнида (шартнома предмети тўғрисидаги низоларнинг олдини олиш учун) "ноу-хау"ни аниқ ва тўлиқ таърифлаш алоҳида аҳамиятга эга. "Ноу-хау" мутлақ ҳуқуқ объекти эмас, ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахс, агар "ноу-хау"ни мустақил равишда, ўз маблағлари ҳисобига ишлаб чиққан ёки бошқа шахслардан инсоф билан сотиб олган бўлса, унинг қонуний ҳуқуққа эга бўлган эгаси деб эътироф этилади. Хусусан, икки ёки бир нечта мустақил ишлаб чиқарувчиларнинг айна битта "ноу-хау"дан тенг қонуний асосларда фойдаланишига ва уни тасарруф этишига ҳеч нарса монелик қилмайди. Ҳозирги фан ва техника тараққийоти даврида илмий-техника ишлари кўлами жуда кенгайиб кетганлиги ва тезкорлиги муносабати билан иккита ёки бир нечта фирма бири-бирдан мустақил равишда бир хилдаги техник ечимни ҳал этиши ҳоллари одатий тусга кирмоқда. Бундай ҳалол "ноу-хау" эгаларининг ҳар бирига ишланмаган бирон-бир чеклашларсиз ва уни ишлаб чиқариш сир сифатида юридик ҳимоя қилмасдан фойдаланиш имконияти таъминланади. Ҳар бир мамлакатда "ноу-хау"ни муҳофаза қилиш фуқаролик ҳамда жиноят ҳуқуқининг умумий нормалари асосида амалга оширилади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси 64-боби, Жиноят Кодексининг 149-моддаси бўйича амалга оширилади. Бу нормалар қонун ёки шартномадан келиб чиқувчи ўз мажбуриятларини бузувчи шахсларга нисбатан қўлланилади.

Лола ТОШПҲЛАТОВА,
Жаҳон иқтисодий ва дипломатия
университети Халқаро ҳуқуқ
факультетининг 2 - курс магистранти

Жамият

ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗАГА ЭГА БЎЛГАН АХБОРОТ

Ташқи иқтисодий алоқаларда илмий-техникавий ишларни хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда амалга ошириш ҳамда илмий-техникавий ихтиролар ва «ноу-хау» махсусотларига бўлган талаблар айниқса қўша тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига сабаб бўлади.

объекти сифатида тўла ёки қисман ишлаб чиқариш сирдан иборат бўлади. Барча ҳуқуқ тизимларида "ноу-хау"га алоҳида махфий ахборот сифатида юридик муҳофаза берилади. Бу "ноу-хау" эгасидан ундан саноатда ва тижоратда сир тутган ҳолда (махфий) фойдаланиш юзасидан лозим бўлган чораларни кўришни, шу жумладан "ноу-хау"ни бериш шартномасига қабул қилувчи тараф ахборотдан махфий фойдаланиши тўғрисида махсус шарт киритишни талаб қилади. "Ноу-хау"ни юридик муҳофаза қилиш ахборот эгасининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини анча мураккаблаштирадиган ва муҳофазанинг ўзининг самардорлигини анча пасайтирадиган бир қатор бошқа хусусиятлари билан ҳам ажралиб туради. "Ноу-хау"ни ҳосил қилувчи

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Хурматли маҳаллий ва хорижлик тадбиркор ва ишбилармон жаноблар!

Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси 2004 йил 8 июнь, соат 11-00да "12-Трест" очик акциядорлик жамиятининг 25 фоизлик давлат улушини сотиш бўйича танлов савдоларини ўтказди.

25 фоизлик давлат улушининг бошланғич нархи — 171 378, 088 минг сўм.

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

1. Акциядорлик жамиятини иқтисодий ривожлантириш бўйича бизнес-режани тақдим этиши.
2. Акциядорлик жамиятини қисқа (1-3 йил) муддатда замонавий технологик ускуналар билан жиҳозлаш ва молиявий ҳолатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини олиши.
3. Сотилиши белгиланган 25 фоиз акция пакетини сотиб олиш

учун энг юқори сотилиш баҳосини тақлиф қилиши.

Танлов савдоларида иштирок этишни истаган харидорлар белгиланган тартибда, конвертларда муҳрланган "Бизнес-режа" билан бирга ариза топширишлари, шунингдек, савдога қўйилган давлат улушининг бошланғич нархидан 5 фоиз миқдордаги кафолат пулини Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасининг махсус ҳисоб рақамига тўлашлари лозим.

Аризаларни қабул қилиш, савдо кунидан 3 кун аввал тўхтатилади.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-А-уй манзилида ўтказилади.

Маълумот учун телефонлар:
133-35-08, 139-43-13.

МЕЪМОРЛАР, ДИЗАЙНЕРЛАР, МУСАВВИРЛАР

ДИҚҚАТИГА!!!

Тошкент шаҳар ҳокимиятининг реклама-ахборот фаолияти бўйича комиссияси

ШАҲАР ТАШҚИ БЕЗАШ ЭЛЕМЕНТЛАРИ ДИЗАЙНЛАРИНИ ЯРАТИШ БЎЙИЧА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН

ҚИЛАДИ

Танловга тақдим этиладиган ишлар ичида шаҳар кўчаларининг умумий безатилиши, дизайндаги алоҳида элементлар, турли хилдаги байроқли металл қурилмалар, кичик меъморий шакллар бўйича таклифлар ҳам кўриб чиқилади.

Таклифларда, шунингдек, ИХЧАМЛИК, КўП ФУНКЦИЈАЛИЛИК, ҲАРАКАТ ВА МИЛЛИЙ РАНГ-БАРАНГЛИК инобатга олинади.

Бундан ташқари, чироқли безаш элементлари бўйича таклифлар ҳам қабул қилинади.

Дизайн лойиҳалар

компьютер графикаси, эскиз расмлар ёхуд макет шаклида қуйидаги манзилга 2004 йил 20 майга

тақдим этилиши лозим:

700015, Тошкент шаҳри, Госпиталь мавзеси, 12-уй («Пойтахт жамоли» МЧЖ)

Маълумот учун телефонлар: 133-27-07, 152-64-62

МАНЗУР БЎЛГАН ТАКЛИФЛАР МУАЛЛИФЛАРИ КЕЙИНГИ ИШ ФАОЛИЯТИМИЗГА ЖАЛБ ЭТИЛАДИ ВА МУНОСИБ ГОНОРАРГА ЭГА БЎЛАДИЛАР.

Тошкент вилояти, Зангиота туман суд ижроичилар бўлинимаси Сиздан Тошкент вилоят Жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг ҳукмига кўра ЗИЛ 131 русумли, давлат рақамлари йўқ автомашинани давлат эгаллигига ўтказиш тўғрисидаги ижро ҳужжатига асосан юқорида кўрсатилган автомашинани, яъни носоз ҳолдаги, ишлаб чиқарилган йиллари номаълум, шасси ҳамда двигатель рақамлари йўқ ЗИЛ 131 русумли юк автомашинасининг 2004 йил 12 майда ўтказилган ким ошди савдоси орқали сотилишини билдиради.

Спорт

НАТИЖАЛАРГА БОЙ БЎЛДИ

Хабар берганимиздек, куни кеча Зарафшон шаҳрида пауэрлифтинг бўйича Осиё чемпионати бахслари бўлиб ўтди.

Иккинчи бор Зарафшонда ташкил этилган ва беш кун давомида юқори натижаларга бой ҳолда ўтган нуфузли турнирда қўтганининг 19 мамлакатидан келган 250 га яқин учқураш усталари 9 та вазн тоифасида куч синашди.

Барча натижалар сарҳисоб қилинган, умумжамоа ҳисобида қозоғистонлик спортчилар ҳурмат шохсупасининг энг юқори лёгонасини банд этишди. Жами 172 та медалларни қўлга киритган ҳамюртларимиз эса иккинчи, Хиндистон вакиллари учинчи бўлишди.

Қуйида Осиё чемпионатида эса энг яхши натижалар кўрсатган ҳамшаҳарларимиз билан таништириб ўтамиз.

Ўсмирлар ўртасида ўтказилган бахсларда 52 килограммгача вазнда А.Васина, 60 килограммгача полвонлар ўртасида Т.Ҳакимжонов, 125 килограммгача вазнда эса С.Тўйчиевлар олтин нишонларни қўлга киритишди.

75 килограммгача вазнда Т.Фитц катталар ўртасида Осиё чемпиони бўлди.

Шунингдек, ўсмирларимиздан Б.Султонов ва А.Ким кумуш нишонларни қўлга киритган бўлса, фаришлар ўртасида Т.Любакин иккинчи ўринни эгаллади.

Барча ғолиб ва совриндорлар олтин, кумуш ва бронза нишонлар, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

ЁШ САМБОЧИЛАР БАҲС ЮРИТДИ

Жиззах шаҳрида 19-20 ёшли ўсмирлар ўртасида самбо бўйича Ўзбекистон биринчилиги беллашувлари ўз поёнига етди.

Ўнта вазн тоифасида ўтказилган мусобақаларда ҳамшаҳарларимиз ҳам яхши қатнашишди. Жумладан, 90 килограммгача вазнда Турсун Нурматов галаба нашидасини сурган бўлса, 100 килограммдан ортқ вазнда Стас Шишов финал баҳсида ютказиб қўйиб, иккинчи ўрин билан кифояланди.

(Ўз мухбиримиз)

Собир Рахимов туман ҳокимияти томонидан "Синема Болливуд" очик акциядорлик жамиятига берилган Давлат рўйхатига олинганлиги ва умумшаҳар реестрига киритилганлиги ҳақидаги далолатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Интернет — бу ягона стандарт асосида фаолият кўрсатувчи жаҳон глобал компьютер тармоғидир. Унинг номи «тармоқлараро» деган маънони англатади. У маҳаллий (локал) компьютер тармоқларини бирлаштирувчи инфор- мацион тизим бўлиб, ўзининг алоҳида ахборот майдонига эга бўлган виртуал тўпламдан ташкил топади.

Интернет унга уланган тармоққа кирувчи барча компьютерларнинг ўзаро маълумотлар алмашиш им- кониятини яратиб беради. Компьютер орқали ҳар бир мижоз Интернет тизими ёрдамида бошқа ша- ҳар ёки мамлакатта ахборот узати- ши ёки ахборот олиши мумкин. Масалан, Вашингтондаги Конгресс кутубхонаси каталогларини кўриб чиқиши, Нью-Йоркдаги Метрополитен музейининг охириги кўрғазма- сига қўйилган суратлар билан танишиб чи- қиши, халқаро анжуманларда иштирок эти- ши, банк муомалаларини амалга ошири- ши ва ҳатто бошқа мамлакатларда исти- қомат қилувчи тармоқ мижозлари билан шахмат ўйнаши мумкин.

Интернетни фойдаланувчи нўқтаи на- заридан таҳлил қиладиган бўлсак, бирин- чи навбатда тармоқ мижозларига ўзаро маълумотлар алмашиш, виртуал мулоқот

қилиш имкониятини яратиб берувчи «ин- формацион магистраль» вазифасини ўтай- ди, иккинчидан эса унда мавжуд бўлган

Билим қўйган яхши

ИНТЕРНЕТ — ИМКОНИЯТЛАРИ КЕНГ ХИЗМАТ

Интернет XX асрнинг буюк кашфиётларидан бири ҳисобланади. Ушбу кашфиётлар туфайли бутун жаҳон бўйлаб ёйилиб кетган юз миллионлаб компьютарларни ягона инфорацион муҳитга бирлаштириш имконияти туғилди.

маълумотлар базаси мажмуаси дунё билимлар омборини ташкил этади. Бундан ташқари Интернет бугунги кунда дунё бозорини ўрганишда, маркетинг ишларини ташкил этишда замонавий бизнеснинг энг муҳим воситаларидан бирига айланиб бор- моқда. Интернет имкониятларини кенгай- тириш учун унга микрофон, видеокамера, овоз чиқаргич (аудиоколонка) ва бошқа қўшимча қурilmалар уланishi мумкин.

Интернет хизмати «Интернет провай- дерлари» ёрдамида алоқа каналлари орқ- али амалга оширилади. Алоқа каналлари сифатида телефон тармоғи, ка- белли каналлар, радио ва кос- мос алоқа тизимларидан фойда- ланиш мумкин. Интернет тар- моғининг асосий ячейкалари, бу—шахсий компьютерлар ва уларни ўзаро боғловчи локал тар- моқлардир. Интернет алоҳида компьютерлар ўртасида алоқа ўрнатибгина қолмай, балки компьютарлар гурӯҳини ўзаро бир- лаштириш имконини ҳам бера- ди. Агар бирон-бир маҳаллий тар- моқ бевоcита Интернетта улан- ган бўлса, у ҳолда мазкур тар- моқнинг ҳар бир ишчи станция- си Интернетта уланishi мумкин.

Шунингдек, Интернетта муста- қил равишда уланган компьютерлар ҳам мавжуд. Уларни хост-компьютерлар (host- рахбар) деб аташади. Тармоққа уланган ҳар бир компьютер ўз манзилига эга ва унинг ёрдамида жаҳоннинг исталган нуқ- тасидаги исталган мижоз уни топа олиши мумкин.

Умида ЮЎЛЧИБАЕВА,
Ўзбекистон Миллий университети
талабаси

Меҳр ва мурувват йили муносабати билан Тошкент давлат Аграр университетиде «Меҳр-мурувват — улур фазилат» мавзуида факультетлараро фестиваль ташкил этилган эди. Куни кеча анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур фестивалнинг якуний, тақдирот маросими бўлиб ўтди.

Фестиваллар

МЕҲР-МУРУВВАТ — УЛУФ ФАЗИЛАТ

Фестиваль 4 босқичдан иборат бўлиб, унда университетнинг 8 та факультети иштирок этди. Ҳайъат аъзоларининг қайд этишича, мазкур талбирга юқори даражада тайёргарлик кўрилган, натижалар ҳам қўнтилганидек самарали бўлиб чиқди.

Ўша кунлари талабаларни уларнинг устозлари қувватлаб, бу борда ўз кўмақларини аямдилар. Қувонарли- си шундаки, устозларнинг ўзлари ҳам талабалар билан бирга ўз маҳоратларини на- мойиш этишди. Талабалар

томонидан тайёрланган саҳна кўринишларида бугунги куннинг энг долзарб муам- молари қаторида «Гийвандлик ва ОИТСга қарши ку- раш» масаласи ҳам маҳорат билан ёритилди.

Талбир сўнггида эса Рес- публика «Соғлом авлод учун» жамгармаси томони- дан ғолибларга эсдалик совғалари ва дипломлар тақдим этилди. Мазкур тал- бирга тайёргарлик кўриш жараёни ёшларнинг бўш вақтининг унумли ўтиши учун яхши омил бўлди.

Нодирхон СОБИРОВ

Ҳаётини

МУҲЛИСЛАРНИНГ ҚУВОНЧИ ЧЕКСИЗ

КЕЧА

«Пахтакор» марказий стадионига ййигилган минглаб мухлислар Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ бахсларида иштирок этаётган «Пахтакор» ва Эроннинг «Зоб Ахан» жамоалари ўртасидаги учрашувнинг гувоҳи бўлишди.

Айтиш жоизки, Эронда бўлиб ўтган дастлабки учра- шув майдон эгаларининг галабаси билан яқунланган, шу боисдан ҳам пахтакорчиларга галаба сув ва ҳаводек зарур эди. Мутахассислар мухлислар кутганидек, ўйин тошкентликларнинг шиддатли ҳужумлари билан бош- ланди. Рақиблар дарвозаси томон кетма-кет уюштирилган хавфли ҳужумлар меҳ- монлар химоячиларини саросимага солиб қўйди. Ҳужумларнинг бирида тез- кор Кошелев Копадзе ва Мағдиев комбинациясини ниҳоясига етказди. Унинг зарбаси дарвозанинг ишгол этилиши билан яқунланди. Иккинчи бўлимда меҳмонлар ҳам бир нечта қулай имкони-

ятлардан фойдалана олиш- мади. Учрашувнинг сўнгги дақиқасида Кошелев томо- нидан йўлланган тўпни дар- возабон ушлаш олмади. Аммо тўпга биринчи бўлиб етиб келган Бикмаев аниқ ҳаракат қилиб ҳисобини 2:0 га етказди. Учрашувда шу ҳисобда галаба қозонган «Пахтакор» муҳим уч очкони қўлга киритди.

Бир кун аввал Фарғонада Эроннинг «Селархон» жамоа- сига қарши Осиё чемпион- лар лигаси гуруҳ учрашувиде майдонга тушган «Не- фтчи» жамоасидан яна омад юз ўғирди. Мазкур белла- шувда ўйини қовушмаган фарғоналиклар 1:3 ҳисобида мағлубиятга учрашди.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкени бошқариш ва талбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси куйидаги бўш ўринларга ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

бошқарма бошлигининг ўринбосари; бош мутахассис. Танловда иштирок этувчилар учун шартлар: Иктисод, молия ёки ҳуқуқшунослик мутахассисликлари бўйича олий маълумот; ишлаб чиқариш ёки бошқарув органла- ри соҳасида камида уч йиллик меҳнат таж-

рибасига эга бўлиш; Тошкент шаҳрида доимий рўйхатда бўлиши керак. Танлов иштирокчиларининг ҳужжатла- ри: Резюме, паспорт, ҳарбий гувоҳнома, маълумоти тўғрисидаги диплом, меҳнат дафтарчаси.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шох кўчаси, 55-уй. Телефонлар: 139-20-40, 139-20-45.

АЗИЗ ХАМШАҲАРЛАР!

АЖ «Тошкент почтамати» 2004 йилнинг 2-яри учун Республика ва Россия нашрларига обуна очил- ганлигини маълум қилади. Обунага арзонлаштирилган тарифлар белги- ланган.

Нашрларнинг бутлиги ва ўз вақ- тида элтиб берилиши кафолатлана- ди.

Керакли маълумотлар
133-47-49, 133-73-56
телефонлари орқали олишингиз мумкин.



Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39; факс: (3712) 133-29-09. Ҳажин — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 4273 нуسخа босилди. Кўчоз биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойларини почта бўлибларига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилиш ва саҳифаланди.

«Шарк» нашрий-матбоба акциядорлик компанияси босмоқхонаси. Корхона манзили: «Буюк Тўро» кўчаси, 41-уй.